

## ТАЪЛИМНИНГ ГНЕСЕОЛОГИК МОҲИЯТИ

**Азизбек Эгамбердиев**

Андижон давлат педагогика институти профессори,  
фалсафа фанлари доктори.



**Аннотация:** Мақолада таълимнинг гносеологик моҳияти ҳақида сўз боради. Цивилизиянинг ҳозирги ҳолати айнан таълим институтинг ривожланиши натижасида юз берганига эътибор қаратилади.

**Калит сўзлар:** таълим, гносеология, тараққиёт, цивилизация, институт.

**Аннотация:** В статье рассматривается эпистемологическая сущность образования. Обращается внимание на то, что современное состояние цивилизации возникло именно в результате развития института образования.

**Ключевые слова:** образование, эпистемология, развитие, цивилизация, институт.

**Abstract:** The article discusses the epistemological essence of education. Attention is drawn to the fact that the current state of civilization has arisen precisely as a result of the development of the educational institution.

**Keywords:** education, epistemology, development, civilization, institution.

### КИРИШ

Таълимнинг гносеологик моҳияти нимадан иборат? Ҳозирги глобаллашув ва кенг қамровли хавф-хатарлар шароитида ушбу ижтимоий институтдан нималарни кутиш мумкин? Ушбу саволларга жавоб беришдан аввал таълимнинг фалсафий мазмунини кўриб чиқсан.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида таълим тушунчасига қуидагича таъриф берилади: «Таълим – арабча ўргатиш, ўқитиш, илм бериш; маълумот. 1. Билим бериш, малака ва қўникмаларни ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси... 2. Илм-фан ёки касб-хунар соҳалари бўйича эгалланадиган, олинадиган маълумот ва қўникмалар мажмуюи». Инсоният цивилизацияси тўплаган маълумот, билим, қўникма ва малаканинг қадри ва қиммати унинг яшовчанлиги билан ўлчанади. Яъни мавжуд маънавий бойликни сақлаш ва ривожлантиришнинг асосий шарти – унинг ворисийлигини таъминлашдир. Эмпирик ва назарий, илмий ва фалсафий, маънавий ва диний соҳада қўлга киритилган натижаларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришнинг ягона йўли – уни таълим жараёни обьектига айлантиришдир. Келгуси авлод қўлга киритилган билимни таълим воситасида ўзлаштиради ва ижтимоий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, уни амалиётга қўллайди. Таълим ҳозирги кунда глобал, универсал ва аксарият ҳолларда имкон доирасидаги ижтимоий неъматга айланиб улгурди. Бу ҳар бир инсоннинг таълим олишга бўлган интилишини қондириш учун тарихдаги энг яхши имкониятни тақдим этмоқда, инсон

яралганидан буён таълим олиш учун тарихда ҳозиргичалик шарт-шароит бўлмаганини англатади. Саноат инқилоби ва глобал миқёсдаги ижтимоий ҳаракатлар натижасида маълум билим ва кўникмаларга эга бир турдаги кадрларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжни вужудга келтириб, оммавий саводхонлик ва сифатли таълимни таъминлаган бўлса, эндиликда интернет технологияларининг ривожланиши таълим олиш учун кетадиган моддий харажатларни янада камайтириб юборди. Ҳозирда дунёнинг етакчи олий ўкув юртлари профессорларининг маъruzаларини тинглаб ва ушбу олийгоҳларнинг кутубхоналаридан бепул фойдаланиш имкониятини яратиб бермоқда . Буларнинг барчаси таълим жараёнининг мазмуни ўзгармаган ҳолда шакли ўзгараётганлигини, унга етишиш осон бўлаётганини англатади. Рус тилидаги таълимнинг эквиваленти «образование» сўзи тушунчани қамраб олишда деталлашган тарзда намоён бўлади. В.И.Далнинг луғатида таълим (образование) образ сўзидан келиб чиққанлиги ва маълум бир шаклга эга бўлмаган нарсанинг образга эга бўлиб шаклланишига нисбатан ишлатилади . Таълим жараёни обьекти бўлган маълумот, билим, кўникма ва малака то таълим жараёни субъекти бўлган ўкувчи ёки талаба томонидан эгаллангунга қадар мавҳум бир ҳолатда туради. Унинг шаклга келиши ва ижтимоий қолиплар асосида моддийлашуви таълим жараёнининг натижасидир. Бу ўринда олий таълим аввалдан мавжуд бўлган билимларнинг тайёр нусхасини талабага етказиб берувчи эмас, балки уни мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб қайта ишлаб, ривожлантириб талабага ҳавола этиши зарур. Бунда талаба ҳам билимнинг мукаммал формасини ўзлаштириб олмаётганини тўлиқ тушуниб этиши керак, чунки у томонидан олинган билимлар тезда эскириши, янгиланишига муҳтож бўлиши мумкин. Бу эса таълимнинг анъанавий институтлар билан биргаликда, нисбатан янги бўлган ижтимоий муассасалар – виртуал университетлар, онлайн курслар ва бошқалар орқали локал тарзда билим олиш имкониятини яратиб беради.

Инглиз тилидаги “education” (таълим) сўзи этимологиясига эътибор берсак, болани тарбиялаш, ўқитиш маъносини беради . Бу ерда борлиқни англаш жараёнида таълимнинг ўрни билан биргаликда ижтимоийлаштириш масаласига ҳам алоҳида урғу берилган. Тарбия маълум бир маънода жамият тутумларига нисбатан таълим субъектининг тўғри ориентациясини шакллантиришга қаратилган фаолиятдир. Бунда аввалдан мавжуд бўлган қоидаларни ўзлаштириш ва уни амалиётга татбиқ этиш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Олий таълим тизимидағи энг мураккаб масаллардан бири ҳам бу тизимдаги тарбия жараёнини ташкил қилишдир. Маълумки, прагматик ёндашув ҳам олий таълимга нисбатан неолиберал сиёsat натижасида шаклланган парадокс – ўкув режа кадрлар буюртмачиси томонидан, шартнома ОТМ томонидан тақдим этилади. Кадрлар буюртмачиси, яъни ўта умумийлаштирилган ҳолда ота-она университетда тарбияга оид билимларнинг берилишини, моддий томонларни кўпроқ ўйлайди. Чунки ҳар бир соат ўтилган машғулот охир-оқибат шартнома нархида намоён бўлиб бораверади. Бу эса келгусида олий ўкув ютидаги тарбия жараёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

## МЕТОДЛАР

Таълимнинг, хусусан, олий таълимнинг ижтимоий тараққиётга детерминант таъсири жуда кўп олимларнинг бу борадаги тадқиқотларига асос бўлган. Ушбу илмий тадқиқотларнинг шакли турлича бўлиб, ушбу манбалар диссертация, монография, ўқув қўлланмалар ва илмий мақола ва тезислар шаклида расмийлаштирилган. Биз уларни ўрганиш жараёнида шаклига эмас, балки уларда илгари сурилган ғоялар ва муаммоларнинг мазмунидан келиб чиқиб, яъники ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиб, уларни ҳал қилишга қаратилган интилишларни эътиборга олган ҳолда классификация қилишга қарор қилдик. Биринчи манбалар туркумiga Ўзбекистонда яратилган олий таълим жараёнлари тадқиқига бағишлиланган асарлар киради. Ушбу манбалар нафақат фалсафа фанлари, балки педагогика, тарих ва иқтисодиёт фанлари доирасидаги илмий ишлардир. Фалсафанинг фанлараро интеграцион функциясидан келиб чиқиб, ушбу манбаларга ҳам мурожаат қилишга қарор қилдик. 2018 йилда «Хорижий олий таълим муассасаларида сифат ва рақобатбардошликтни таъминлаш йўли» мавзусидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертациясида олий таълим ривожининг нисбатан янги тенденциялари хақида фикр юритилади . Қайд этиб ўтиш керакки, дунё миқёсида олий таълим муассасалари фаолияти хилма-хил бўлганидек, уни илмий жиҳатдан ўрганишда ҳам умумий концепциялар ҳануз шаклланмаган. Ҳар бир минтақанинг иқтисодий-ижтимоий шарт-шароити ва сиёсий тузумига қараб олий таълим муассасалари фаолияти тарихан таркиб топгандир. Тадқиқотчининг фикрича: «Ўзбекистон Республикаси олий таълими ҳам халқаролашув жараёнлариға фаол кириб келмоқда. Халқаро ҳамкорлик, талаба ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви, илмий ҳамкорлик ва тажриба алмашинув бўйича эришилаётган кўрсаткичлар, мамлакатимизда хорижий ОТМ филиалларининг кўпайиши бунга мисол бўла олади» . Ўзбекистонда олий таълим тизими трансформациясининг энг муҳим жиҳати сифатида халқаролашув жараёни қайд этилган. Жаҳон миқёсида олий таълим трансформацияси моделлари турличадир. Уларнинг ҳар бирини ислоҳотлар жараёнига ёппасига татбиқ қилиш, демакки, ижтимоий эксперимент қилиш қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам ҳар бир ОТМ ўзининг мавжуд имкониятлари, бўлажак мутахассисларга бериладиган компетенциянинг мазмунидан келиб чиқиб халқаро жараёнларга қўшилиши мақсадга мувофиқдир. Хорижий ОТМ филиали, қўшма факультет ва қўшма дастур шаклидаги халқаролашув мавжуд имкониятларни ишга солган ҳолда, чет эл тажрибасини амалиётда синашга имкон бериши мумкин.

## НАТИЖА

Яна бир муҳим масалага эътибор қаратсак: «Академик стандартларда кўпроқ ўрин танлов фанларга берилади. Бу эса мулкчилик ранг-баранглиги, асосан, хусусий мулк кучайган мамлакатда меҳнат бозорининг эксклюзивлашишига мос буюртмаларни бажаришга хизмат қилади» . Олий таълим трансформацияси билан жамиятда иқтисодий ислоҳотлар муваффақияти, хусусан, мулкчилик шаклларининг диверсификацияси билан узвий равишда

боғлиқ кечиши ҳақида фикр юритилмоқда. Олий таълимга нисбатан неолиберал ёндашув, таълим монетизациясининг кучави таълимнинг бошқарувига прагматик муносабатда бўлишга олиб келмоқда. Шу билан бирга, қайд этиш керакки, олий таълим трансформацияси йўналиши нафақат иқтисодий тараққиёт йўлини, балки мамлакат сиёсий тузуми моҳиятини ҳам ўзгартириб юборади. Чунки таълим жараёнида ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўқитилиши, грантлар сони ва ўқитиш тизими натижасида битирувчиларда маълум бир маданиятга хос бўлган дунёқараш шаклланади. Масалан, ECTS моделидаги кредит-модуль тизимида шаклланган фанларни ва профессор-ўқитувчини танлаш имконияти ҳамда мустақил таълимга кенг ўрин берилиши либерал-демократик дунёқарашнинг шаклланишига туртки бериши мумкин. Олий таълим тизимида талаба-ёшлар дунёқарashi трансформацияси, хусусан, демократик тафаккурни шакллантириш масалалари фалсафа фанлари доктори, профессор Ш.Мадаеванинг тадқиқотларидан жой олган. Олиманинг фикрича: «...олий таълим тизимида ёшларда демократик тафаккур шакллантирилишининг мафкуравий дастурларини ишлаб чиқиши лозим». «...олий таълим тизими эса, инсон ҳуқуқлари, демократик тамойиллар ва умуминсоний тараққиёт интеграцияси тамойилларини пухта ўргатувчи дастурлар билан характерланади» . Олий таълим трансформацияси жараёнида миллий менталитетнинг намоён бўлиши, миллий ўзликни сақлаб қолиш учун уриниш ва шу билан бирга, ғарб моделини муваффақиятли равишда амалиётга татбиқ этиш, авлодлар ўртасидаги қарама-қаршиликни камайтириш ва уни ижтимоий ларзаларга сабаб бўладиган даражага етказмаслик муаммолари турибди. Шу сабабли олий таълим трансформацияси университетлар ҳаёти ва ундаги таълим жараёни билан чекланиб қолмасдан, бутун жамият ва давлат бошқаруви трансформациясини ҳам тақозо этади. Яъни ғарб моделида кадрлар тайёрлар эканмиз, уларнинг иқтисодиёт тармоқлари ёки давлат бошқарувидаги фаолиятини бошлиши ва давом эттириши учун маълум бир шарт-шароитларни яратиб бериш зарур.

### **МУҲОКАМА**

Олий таълим тизими жамиятнинг ижтимоий институти сифатида қадриятларни яратиш, сақлаш ва кейинги авлодга етказишида муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, маърифий ва илмий қадриятнинг ижтимоий оммалашуви учун маълум бир шароит яратади. Глобаллашувнинг ижтимоий тараққиётга таъсири масалалари билан шуғулланган файласуф олима Ф.Юлдашеванинг фикрича, «Глобаллашувнинг салбий жиҳатларига қарши турса олиши мумкин бўлган тизим бу – таълим тизими» . Ривожланаётган давлатлар учун таълим сиёсати муҳим бўлиб, уни глобаллашув талаблари ва миллий эҳтиёжлар асосида амалга оширишлари зарур. Таълим тизими орқали инсон ҳам илмий, ҳам маънавий тарбия олиш, салоҳиятини ривожлантириш ҳамда уни тўғри реализация қила олиш имкониятига эга бўлади» . Глобаллашув таъсирида миллий маданиятнинг йўқолиб кетиши, шубҳасиз, давлатчиликнинг, мустақилликнинг пойдеворига путур етказади. Мазкур жараёнда самарали таълим тизими миллатнинг маънавий қиёфасини сақлаб қолишида муҳофазакорлик вазифасини бажариши зарур. Бироқ ғарб моделига асосланган

таълим трансформацияси билан бундай қийин вазифани амалга ошириш мушкулдир. Ҳозирги олий таълим трансформациясининг асосий йўналиши – неолиберализм бўлиб, унда консерватив ғояларга деярли ўрин йўқ.

### **ХУЛОСА**

Қайд этиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда олий таълимнинг трансформацияси масалалари мустақил тарзда илк бор ўрганилмоқда. Бундай мураккаб жараённи илмий жиҳатдан ўрганишда аввал яратилган тадқиқотларнинг ўрни бекиёс бўлди. Иккинчи турдаги илмий ишлар Россия Федерациясида яратилган, ижтимоий фалсафа доирасида олий таълим муаммоларини тадқиқ этишга қаратилган илмий ишлардир. Фалсафа фанларининг тараққиёт даражаси ва кучли илмий-тадқиқот институтларининг мавжудлиги ижтимоий фалсафа ихтисослиги доирасида олий таълимдаги трансформация жараёнларини атрофлича тадқиқ қилишга имкон берган. Эътиборга молик жиҳати шундаки, Россия Федерациясида олий таълим трансформацияси Ўзбекистонга нисбатан эртароқ бошланган ва жадал суръатларда амалга ошмоқда. Бу эса улардаги айрим жиҳатларни чуқурроқ ўрганишга ундейдиган омиллардан биридир. Файлусуф олим К.С.Назеренко ўзининг илмий тадқиқотида олий таълимнинг Россия тараққиётидаги ўрни масалаларига урғу берар экан, миллий таълим маданиятини инкор этиб, ўзга маданиятлар тарбия моделларининг ушбу жараёнга кўр-кўронга татбиқ этилиши таълимдаги ижтимоий ворислик функциясига путур етказишга олиб келишини қайд этиб ўтади . Трансформация жараёни қанчалик ўзга моделларнинг муваффақиятига таянмасин, у амалга ошадиган муҳит доимо бирламчи бўлиб қолаверади. Шу нуқтаи назардан ўзгаришлар жараёнида маҳаллий имконият ва шарт-шароитларни эътиборга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалардан биридир. Рус файласуфларидан Л.С.Перевозчикова олий таълим трансформацияси масалалари билан тизимли шуғулланиб келмоқда. Файлусуф олима аксеологик нуқтаи назардан олий таълимнинг анъанавий, рационал ва инновацион-либерал парадигмаларини ажратади . Олий таълимнинг қадриятлар тизимидағи ўрни ва унинг ривожланиш йўналишлари ушбу олиманинг бошқа илмий тадқиқотларида ҳам кенг очиб берилган бўлиб, келгуси бобларда бу ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз. “Россия Федерациясидаги олий таълим трансформацияси натижасида детерминантлик мақомининг алмашинуви юз бермоқда”, деб ёзади В.Жукова . Олий таълим тизимидағи ислоҳотлар мураккаб ва ўзига хос. Муаммо шундаки, замонавий ижтимоий тараққиётда олий таълим муайян бир маънода детерминант вазифасини бажаргани маълум. Бу эса ижтимоий тизимда олий таълим субъектларининг ўзига хос элитаси шаклланишига олиб келиши мумкин. Прогрессив характерга эга бўлмаган элита доимо ўзгаришларга қаршилик кўрсатиши ва мавжуд мақомини сақлаб қолишига интилиши мумкин. Бу эса олий таълим тизимидағи трансформация жараёнига путур етказади. Ушбу ҳол айниқса олий таълим тизимида қарор қабул қилиш ва олий таълим сиёсатини амалга ошириш босқичларида яққол намоён бўлади. Ўзбекистонда мустақиллик даврининг 1991–2016 йилларида рўй берган олий таълим тизимидағи ислоҳотларда кузатилган жуда секин ўзгаришлар ана шундан далолат беради.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

- 1.Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Мадвалиев А. таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 27.
- 2.Textbooks // URL: <https://www.cambridge.org/core/what-we-publish/textbooks> (Мурожаат этилган сана: 14.05.2020 й.).
3. Толковый словарь великорусского языка. Т. 1. – Москва, 1999. – С. 613-614.
- 4.Лутфуллаев П.М. Хорижий олий таълим муассасаларида сифат ва рақобатбардошликтин таъминлаш йўли: Пед. фан. б. фалс. док... дисс. – Наманган, 2018. – Б. 158.
- 5.Мадаева Ш. Ўзбек менталитетида демократик тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари: фалс. фан. б. фалс. док... дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 248.
- 6.Юлдашева Ф. Ўзбекистонда глобаллашув шароитида маънавий янгиланишнинг ўзига хос хусусиятлари: Фалс.фан.д-ри ... дисс.автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 134.
- 7.Назаренко К.С. Социально-философский анализ модернизации современного российского высшего образования в контексте цивилизационного процесса: Диссертация на соискание ученой степени кандидата философских наук. – Воронеж, 2017. – С. 135.